

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВ ХАЙРУЛЛА САЙДУЛЛАЕВИЧ

ПАХТАНИ ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation

Усманов Хайрулла Сайдуллаевич

Пахтани ифлосликлардан тозалашни такомиллаштирилган
технологияси асослари 3

Усманов Хайрулла Сайдуллаевич

Основы усовершенствованной технологии очистки хлопка от сорных
примесей 31

Usmanov Khayrulla Saydullayevich

Fundamentals of improved technology for cleaning cotton from weeds 56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 58

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВ ХАЙРУЛЛА САЙДУЛЛАЕВИЧ

ПАХТАНИ ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/T401 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Гуляев Ринат Амирович**
техника фанлари доктори, к.и.х.

Расмий оппонентлар: **Усмонқулов Алишер Қодирқулович**
техника фанлари доктори, профессор

Эргашов Махаматрасул
техника фанлари доктори, профессор

Джамалов Рустам Камолидинович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «11» январь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Яққасарой тумани, Шохжаҳон-5, тел:(+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titli_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (127-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Шохжаҳон -5, тел:(+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил «28» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «28» декабрь 127-рақамли реестр баённомаси).

И.К.Сабилов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.Р.Ханхаджаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пахта толаси тўқимачилик саноатининг асосий хомашёларидан бири ҳисобланади. Пахта бўйича халқаро консултатив қўмитаси (ICAC) маълумотларига кўра, «жаҳон бозорида пахта экиладиган майдонларнинг 2% га қисқартирилиши натижасида ундан тайёрланадиган маҳсулотга бўлган талаб 33,4 млн. тоннагача ортиб бормоқда. Дунёда пахта экиладиган майдонлар ўртача 32,4 млн. гектарни, ишлаб чиқарилаётган тола миқдори эса 25,96 млн. тоннани ташкил этади. 2029 йилга келиб жаҳонда пахта етиштирилиши хар йили 1,5% ошиши ҳамда 30 млн. тоннага етиши кутилмоқда»¹. Дунё пахта бозорларидаги рақобатнинг кучайиши, пахта етиштирувчи мамлакатларда пахтанинг янги селекция навларини етиштириш ва районлаштириш, пахтани тозалаш технологияларини ривожлантириш ҳисобига маҳсулот истеъмол хусусиятларини янада яхшилаш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда пахтани дастлабки ишлаш технологиясига таълуқли пахтани куриштириш, тозалаш ва жинлаш жараёнларининг юқори самардорликка эга бўлган янги авлод ускуналарини замонавий ахборот технологияларидан, ҳамда фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда яратиш уларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишлар олиб борилмоқда. Бу борада, пахта тозалаш корхоналарида толанинг табиий хусусиятларини сақлаб қолувчи юқори самардорликка эга, энергия тежамкор технологиялар ҳамда чигитли пахтани ифлосликлардан тозалаш технологиясини оптималлаштириш катта аҳамиятга эгадир.

Республикамизда пахтани дастлабки ишлаш тармоғини ривожлантириш, пахта тозалаш корхоналарини такомиллаштириш ва қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва чигитли пахтани қайта ишлашнинг рентабеллигини ошириш ҳамда унинг маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодийда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жумладан пахтани ифлосликлардан тозалашнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш, мавжуд технологияда пахтанинг пастки навларини тозалаш ҳамда пахтанинг юқори навларини тозалаш учун такомиллаштирилган агрегатини яратиш муҳим ҳисобланади.

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. October 7, 2019.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги 53-сон “Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Пахта хомашёси таркибидаги ифлос аралашмаларни тозалашнинг самарали технологияларини яратиш ва уларни маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи лабораториялари, илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, International Cotton Advisory Committee, USDA Agricultural Research Service, Samuel Jackson Incorporated (АҚШ), Australian Association of Cotton Scientists, Cotton Research and Development Corporation (Австралия), Central Institute for Research on Cotton Technology, Bajaj Steel Industries Limited (Хиндистон), Instituto Agrônômico do Paraná, Universidade Federal de Viçosa (Бразилия), National Research Center for cotton processing engineering and technology, Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University Lebed (ХХР), Central Cotton Research Institute, Pakistan Central Cotton Committee (Покистон), Cotton Research Institute, GAP Agricultural Research Institute (Туркия), Cotton and Textile Holding Industries Holding Co.(Миср), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Наманган муҳандислик-технология институти, «Рахтасаноат ilmiy markazi» АЖда (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш технологиясини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: пахтани ифлосликлардан тозалашнинг замонавий автоматлашган тизими яратилган (Lummus, АҚШ); чигитли пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалашнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган (Lummus, АҚШ. Cotton research and development corporation, Австралия); назарий ва амалий

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.icac.org, <http://www.cotton.org>; www.indiantextilejournal.com; <http://www.omicsgroup.org>; <http://www.busa.com>; <http://www.bajajngp.com>; <http://www.samjackson.com>; <https://www.fas.usda.gov>; <https://jit.sagepub.com>; <http://www.kitaichina.com>, Journal of Textile Science & Engineering.3/2014. The USA, Journal of Cotton Science 3/2015. The USA. The Cotton Foundation. ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

тадқиқотлар асосида такомиллаштирилган пахта тозаловчи машиналар яратилган (Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, «Рахтајин» ва «Рахтасаноат ilmiy markazi» акционерлик жамиятлари (Ўзбекистон).

Жахонда пахтани ифлосликлардан тозалашнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда оид тадқиқотлар олиб борилмоқда: чигитли пахтанинг бошланғич кўрсаткичларини инобатга олиб унинг тозалаш кетма-кетлигини бошқариш, энергия самарадорлиги юқори бўлган такомиллаштирилган тозалагичларни жорий қилиш ҳисобига пахтани қайта ишловчи корхоналарнинг рентабеллигини ошириш, пахтани тозалашга сарфланаётган ишлаб чиқариш харажатларини тежаш мақсадида тозалаш машиналарининг такомиллаштирилган бирикма ва деталларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Ҳозирги вақтдаги илмий тадқиқотларнинг таҳлили натижаси шуни кўрсатдики, пахтани ифлосликлардан тозалашда асосан уни тозалаш кетма-кетлиги ва ушбу жараёнга иссиқ ҳаво бериш жараёнларини ўрганиш бўйича илмий ишлар олиб борилган. Чигитли пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш технологиясини такомиллаштиришнинг муҳимлиги қуйидаги хориж олимларининг илмий ишларида акс эттирилган: W.S.Anthony, R.V.Baker, R.M.Sutton, S.E.Hughs, J.W.Laird, E.M.Barnes, M.N.Gillum, P.G.Patil, P.A.Boving, V.G.Arude, S.K.Shukla, D.W.Van Doorn, B.M.Norman ва бошқалар

Пахтани ифлос аралашмалардан тозалашнинг самарали техника ва технологиясининг назарий ва амалий асосларини яратиш, асосий ишчи қисмларнинг параметрлари ва уларнинг тозалаш самарадорлигига таъсирини ўрганиш бўйича бир қатор олимлар, шу жумладан Е.Ф.Будин, Б.В.Логинов, Г.И.Мирошниченко, Г.И.Болдинский, А.П.Парпиев, Б.Мардонов, А.Е.Лугачев, А.Джураев, И.Д.Мадумаров, И.К.Сабилов, Ш.Ш.Ҳақимов, М.Агзамов, Ф.А.Саади, Р.З.Бурнашев, Ю.С.Сосновский, Х.Сидиков, А.А.Сафаев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Мавжуд долзарб масалаларни ечиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар ҳамда чет эл ва маҳаллий пахта тозалаш корхоналарида фойдаланилаётган ифлос аралашмалардан тозалаш машиналарининг таҳлили, чигитли пахтани ифлосликлардан тозалашни такомиллаштирилган технологиясининг ишчи қисмлари самарадорликларини ошириш ҳамда ушбу жараёнларнинг тола сифатига таъсири масалалари ўзининг самарали ечимини топмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № И-2016-2-10 “Пахтани ҳаводан ажратиш жараёнида унинг табиий хусусиятларини сақлаш қурилмаларини жорий этиш“ (2015-2016) ва ITMT - 171 “Кластерлар учун чигитли пахтани тозалашнинг инновацион комплекс технологияли экологик тоза пахта тозалаш корхонасини ишлаб чиқиш” (2019) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахтани дастлабки ишлаш жараёнида самарали ресурс ва энергия тежамкор чигитли пахта ва унинг маҳсулотларининг табиий хусусиятларини максимал даражада сақлаб қолувчи чигитли пахтани тозалаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чигитли пахтани тозалаш техника ва технологиясининг ривожланиш ҳолатини аналитик таҳлил асосида такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;

чигитли пахтани тозалаш технологик жараёнларининг назарий тадқиқотларини ривожлантириш ва вертикал усулда тозаловчи пахта тозалаш агрегатининг чигитли пахтани тозалаш жараёнини моделлаштириш асосларини яратиш;

такомиллаштирилган пахта тозалаш агрегатини ишлаб чиқиш, тажрибавий синовларни ўтказиш ва унинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш;

оқим линияда ўрнатилган вертикал усулда тозаловчи такомиллаштирилган пахта тозалаш агрегатини ишлаб чиқариш шароитида синаш ва унинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш;

пахта-тўқимачилик кластерлари учун батарея тизимида ишловчи вертикал ўрнатилган тозалаш секциялардан ташкил топган такомиллаштирилган чигитли пахтани тозалаш технологиясини яратиш;

чигитли пахтани тозаловчи такомиллаштирилган технологиянинг калава физик-механик хусусиятларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотларни ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида чигитли пахта ва унинг маҳсулотларини тозалаш жараёнида табиий хусусиятларини максимал сақлаб қолувчи, пахтани ифлос аралашмалардан тозалаш ускуналари ва технологияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети чигитли пахтани ифлос аралашмалардан тозалашнинг технологик усуллари, ускуналари ва кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида пахтани дастлабки ишлаш, тўқимачилик материалшунослиги, назарий ва амалий механика, дифференциал тенгламаларни ечишнинг сонли Рунге-Кутта, регрессия тенгламалари асосида муқобиллаштиришнинг Ньютон, математик статистиканинг режалаштириш ва тажриба натижаларини қайта ишлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги кўйидагилардан иборат:

тозаланаётган чигитли пахта оқими қозикчали барабанлардан ўтиш жараёнида тозалаш томонлари қарама-қаршисига ўзгариши ва барабанларнинг айланиш частотаси ошиб бориши эвазига юқори тозалаш самарадорлигига эга такомиллаштирилган вертикал тозалагич яратилган;

тозалагичда пахта оқими харакати ва тўрли юзанинг ишчи барабани қамраш бурчагидан самарали фойдаланувчи чигитли пахтани майда ифлосликлардан тозалашнинг янги усули ишлаб чиқилган;

вертикал усулда ишловчи такомиллаштирилган тозалалагичнинг ишчи бурчаги мавжуд тозалагичлардан икки баробар юқори бўлган янги поғонали тўрли юза ҳамда турли айланиш частоталарга эга қозикчали барабанлардан иборат тозалаш секцияси яратилган;

жараённинг математик таҳлили асосида такомиллаштирилган вертикал усулда ишловчи чигитли пахтани майда ифлосликлардан тозаловчи тозалагичнинг асосий рационал параметрлари аниқланган;

қайта ишланаётган чигитли пахтанинг табиий хусусиятларини максимал даражада сақлаб қолувчи вертикал усулда тозаловчи ресурс ва энергиятежамкор пахта тозалаш янги агрегати яратилган ҳамда тажрибавий усқунанинг конструктив-эксплуатацион параметрлари ишлаб чиқилган;

пахта-тўқимачилик кластерлари учун майда ифлосликлардан тозалаш секцияларининг вертикал усулда ўрнатилиши орқали тозалаш усқуналари кетма-кет ва батареяда жойлашган пахтани ифлосликлардан тозалашнинг такомиллаштирилган агрегати ва технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

қайта ишланаётган чигитли пахтанинг табиий хусусиятларини максимал сақлаб қолувчи чигитли пахтани ифлосликлардан вертикал усулда тозаловчи технология ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган;

вертикал усулда тозаловчи тозалаш агрегати бирикма ва деталларининг рационал технологик ва конструктив ўлчамлари аниқланган;

чигитли пахтани майда ифлосликлардан тозаловчи вертикал тозалагич асосида такомиллаштирилган усқуналари кетма-кет ва батареяда жойлашган оқим линиялари ишлаб чиқилган;

пахта-тўқимачилик кластерлари учун майда ифлосликлардан тозалаш секцияларининг вертикал усулда ўрнатилиши орқали пахтани ифлосликлардан тозалашнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги шундаки чигитли пахтани вертикал усулда тозалашдаги натижаларнинг назарий тадқиқоти, чигитли пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалашнинг ресурстежамкор ва электртежамкор технологиясининг амалий тадқиқотлари натижаларини таккослаш ва тажриба тадқиқотларининг юқори даражадаги ижобий натижалар олинганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чигитли пахтани майда ифлосликлардан тозалаш жараёнида тозалагичнинг тозалаш секцияларини вертикал жойлашиши қўлланилганда ҳосил бўладиган технологик кўрсаткичлар ва динамик жараёнларнинг ҳисоблаш математик моделларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги вертикал тизимда ишлайдиган пахта тозалаш агрегатини, чигитли пахтани ифлосликлардан вертикал усулда тозаловчи ресурс ва энергиятежамкор технологияни ва майда ифлосликлардан тозалаш секцияларнинг вертикал усулда ўрнатилиши орқали такомиллаштирилган технология яратилиши ҳамда ишлаб чиқилган маҳсулот сифатининг ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахтани ифлосликлардан тозалашнинг такомиллаштирилган технологиясини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

чигитли пахтани вертикал усулда тозаловчи такомиллаштирилган пахта тозалаш агрегати “Пахтасаноат илмий маркази” АЖда жорий этилди. («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 18 августдаги МА-Э/791-сон маълумотномаси). Натижада электр энергиясини 50% фоизгача ва ресурс тежамкорликни эса 40% фоизгача камайтириш имкони яратилган;

пахтани вертикал усулда тозаловчи такомиллаштирилган пахта тозалаш ускунаси “Каттакўрған пахта тозалаш” АЖнинг қуриштириш цехига жорий этилди («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 18 августдаги МА-Э/791-сон маълумотномаси). Натижада Бухоро-6 селекцион навининг III саноат 1-синфи такомиллаштирилган технология бўйича тозаланганда тола ифлослигини 0,28% га камайтириш имконияти яратилган;

чигитли пахтани вертикал усулда тозаловчи пахта тозалаш агрегати “Самарқандпахтамаш” АЖда жорий этилди («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 18 августдаги МА-Э/791-сон маълумотномаси). Натижада янги агрегатда мавжуд тозалагичга нисбатан металл сарфи 20% камайишига эришилган;

такомиллаштирилган пахта тозалаш агрегати ишлаб чиқилиб, “Челак пахта тозалаш” АЖда жорий этилди АО («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 18 августдаги МА-Э/791-сонли маълумотномаси). Натижада Олинган натижаларга биноан Порлоқ-1 селекцион навининг I саноат нави 1-синфи қўл терими пахтасини янги технологияда тозаланганда тозалаш самарадорлиги мавжуд технологияга нисбатан 5,7% га ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 25 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий анжуманларида ҳамда 7 та илмий семинарда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, шундан 9 таси чет элда ва 13 таси республикада нашр этилган, 2 та монография чоп этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 4 та фойдали моделга патент, 2 та электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурларга гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 186 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Чигитли пахтани тозалаш техника ва технологиясини ривожланиш ҳолатининг аналитик таҳлили»** деб номланган биринчи боби адабиёт манбаларининг ҳамда пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш технологиялари ҳозирги ҳолатининг таҳлиliga бағишланган. Ушбу бобда Республикамизда ва чет элда фаолият кўрсатаётган пахта тозалаш корхоналарида пахтани тозалаш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар таҳлил қилинган.

Бутловчи қисмлар ҳамда ускуналарнинг нархи юқори бўлганлиги сабабли чет эл чигитли пахтани ифлосликлардан тозалаш ускуналари мавжуд пахта тўқимачилик кластерлари талабларининг тўлиқ эҳтиёжларини қондирмаяпти (чигитли пахтанинг юқори намлик ва ифлослиги сабабли). Шу сабабли, пахта маҳсулотларини ишлаб чиқувчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд чигитли пахтани ифлосликлардан тозалаш ускуна ва технологияларини такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Сўнгги йилларда республикада чигитли пахтани териб олиш жараёнида машина теримининг кўпайиши ресурс ва энергия тежамкор такомиллаштирилган тозалаш технологияларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. “Paxtasanoat ilmiy markazi” АЖ ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти олимлари ва илмий ходимлари томонидан чигитли пахтани ифлосликлардан тозалаш технология ва ускуналарини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий изланишлар таҳлил қилинган. Ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра мавжуд чигитли пахтани тозалаш технологияси горизонтал усулда амалга оширилиши сабабли тозаланаётган пахта битта қозикчали-планкали барабандан иккинчисига ўтиш жараёнларида қарама-қарши зарбалар таъсирида механик шикастланиши кузатилади ва оқибатда чигитли пахтанинг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши кузатилган.


Олиб борилган назарий ва амалий илмий изланишлар натижалари асосида чигитли пахтани майда ифлосликлардан тозалаш ускуналарининг такомиллаштирилган классификацияси ишлаб чиқилган.

Юқорида таҳлил қилинган илмий изланишлардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, пахтани ифлосликлардан тозалашнинг самарали такомиллаштирилган технологиясини яратиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Диссертациянинг **«Чигитли пахта тозалаш технологик жараёнларининг назарий тадқиқоти»** деб номланган иккинчи бобида чигитли пахтанинг табиий

хусусиятлари, ҳамда электроэнергия ва ресурс тежамкор пахтани тозалаш жараёнининг назарий жиҳатдан таҳлили келтирилган.

Пахтани майда ифлосликлардан тозалаш жараёнида чигит ва тола сифатига қозикчали барабан қозикчаси жуда катта таъсир ўтказди. Тозалаш жараёнида бошқа омиллар ҳам худди шундай таъсир ўтказиши ва ушбу омиллар:



1- рама; 2 – идиш; 3 – плита; 4 – пахта;
5 - плитани ҳаракатга келтурувчи узатма; 6- ўлчагич;
7 – динамометр; 8,9 – шарнирлар;
10 – дастак; 11 – асос

1-расм. Чигитли пахтани сиқилиш (тушириш) даражасини ўлчаш учун ускунанинг кўриниши ва схемаси

ҳолатда юқори кўрсаткичга эгаллиги ва босим ошиши билан биргаликда кучланиш зонаси биргаликда ошиши ва бу ҳолат намунанинг деформацияланишига юқори таъсир қилиши ва материал тузилишининг ўзгаришига олиб келади.

Олинган натижалар бошқа материалларга нисбатан чигитли пахтанинг деформацияси юқорилигини кўрсатди ва юкланиш зонасида босим юқори даражада ошиши, бу эса ўз навбатида наъмунага таъсир этувчи юкламалар унинг шаклини ўзгаришига кескин таъсир этади ҳамда бу ҳолат материал структурасининг ўзгаришига олиб келади.

Кучланиш зонаси икки АС ва СВ тўғри чизиқлар билан аппроксим қилинган.

2-расмда тажриба асосида олинган босим $p(kPa)$ ва деформация $\varepsilon = h/h_0$ $\varepsilon_3 < \varepsilon < \varepsilon_2$ бўлганда


ҳаво оқими, қозикчалар сони ва тўрли юзанинг ишчи зонаси (тўрли юзанинг «жонли кесими») пахтани майда ифлосликлардан тозалаш жараёнида жуда катта таъсир кўрсатиши аниқланди. Тажриба натижаларини олиш учун (1-расм, а ва б) пахтанинг сиқилиш (тушириш) даражасини кўриш мақсадида лаборатория жиҳози яратилди. 1-жадвалда чигитли пахта намунасининг сиқилиш (тушириш) узунлиги (мм) ва таъсир этувчи сиқилиш P (Н) куч кўрсаткичларининг “Порлоқ” I-навининг 1-синфи учун 2,7% ифлослик ва 8,0% намликдаги пахта намунаси асосида ўтказилган тажриба маълумотлари келтирилган.

2-расмда ОА ва АВ чизиғи кучлари графиги келтирилган. Графикдан кўришиб турибдики, бошқа материаллардан фарқли

1-жадвал

**Чигитли пахта намунасининг сиқилиш (тушириш) узунлиги ва таъсир
этувчи куч кўрсаткичлари**

№	1-тажриба		2- тажриба		3- тажриба		Ўртача кўрсаткичлар	
	<i>h</i> узунлиги, мм	P куч, N	<i>h</i> узунлиги, мм	P куч, N	<i>h</i> узунлиги, мм	P куч, N	<i>h</i> узунлиги, мм	P куч, N
Чигитли пахта намунасининг сиқилиш жараёни кўрсаткичлари								
1	60	29	60	27	60	28	60	28
2	75	40	75	39	75	38	75	39
3	85	51	85	49	85	50	85	50
4	90	60	90	60	90	59	90	60
5	105	70	105	72	105	71	105	71
6	115	83	115	81	115	82	115	82
7	120	92	120	94	120	93	120	93
8	125	101	125	105	125	103	125	103
9	130	114	130	113	130	115	130	114
10	135	122	135	126	135	124	135	124
11	138	137	138	134	138	134	138	135
12	145	145	145	146	145	144	145	145
13	148	159	148	159	148	156	148	158
14	151	170	151	171	151	172	151	171
15	155	186	155	186	155	187	155	185
16	158	191	158	191	158	194	158	192
17	160	211	160	212	160	211	160	210
18	163	225	163	225	163	226	163	224
19	165	237	165	238	165	236	165	237
20	167	250	167	252	167	248	167	250
21	168	277	168	275	168	276	168	276
22	171	302	171	300	171	304	171	302
Чигитли пахта намунасининг тушириш жараёни кўрсаткичлари								
1	167	102	167	104	167	103	167	103
2	166	92	166	91	166	93	166	92
3	165	70	165	70	165	73	165	71
4	164	61	164	61	164	58	164	60
5	163	49	163	51	163	50	163	50
6	162	38	162	38	162	41	162	39
7	160	28	160	30	160	29	160	29
8	120	0	120	0	120	0	120	0



2-расм. Чигитли пахта учун сиқилиш (ОА чизиғи) ва тушириш (АВ чизиғи) учун « p, ε » экспериментал диаграммаси

$$p = p_3(\varepsilon) = p_2(\varepsilon_2) - \frac{p_2(\varepsilon_2) - p_{31}}{\varepsilon_3 - \varepsilon_2} (\varepsilon - \varepsilon_2) \quad (1)$$

Координатанинг бошига, яъни пахтанинг тозалаш зонасидаги юқори нуқтаси ва Ox ўқида юқоридан пастга йўналтирилган бошланғич оқим қўйилган. Ҳисобланган тенгликлар эса Эйлер тенгламаси асосида қуйидагича ёзилади:

$$\rho v \frac{dv}{dx} = -\frac{dp}{dx} + \rho g(\sin \alpha - f \cos \alpha) \quad (2)$$

бу ерда ρ, v, p оқимнинг зичлиги, тезлик ва босим кўрсаткичларидир, α – горизонт бўйича бурчак оғиши, f - текислик билан хом ашё ўртасидаги ишқаланиш коэффициентини.

Зичлик ва босим қуйидагича аниқланади:

$$\rho = \frac{\rho_0}{\sqrt{1 + 2gx(\sin \alpha - f \cos \alpha) / v_0^2 (M^2 - 1)}}, \quad (3)$$

$$p = p_0 + k(1 - \sqrt{1 + 2gx(\sin \alpha - f \cos \alpha) / v_0^2 (M^2 - 1)}) \quad (4)$$


Кейинги кўринишларда $\alpha > \alpha_k = \arctan f$, $M > 1$

Тезликнинг v_0 юқори кўрсаткичи $x_0 \leq l$ ушбу ҳолдан қуйидагига тенг бўлади:

$$v_0 \leq c_0 \sqrt{\{1 + \sqrt{1 + 2gl(\sin \alpha - f \cos \alpha) / c_0^2} / [(p_0 / k + 1)^2 - 1]\} / 2} \quad (5)$$

Чигитли пахта оқимининг қия текисликдаги (биринчи тозалаш зонасидаги икки қозикча орасига кирувчи чигитли пахта учун) ҳаракатини ўрганиш мақсадида ҳаракат модели яратилди ва тозалаш зонасида ажралаётган ифлосликлар миқдори аниқланди.

Чигитли пахта оқими текислик бўйича тезлик, зичлик ва босимни аниқлаш тенгламаси олинди.




3-расм Тўрли юза B_0B_1 ёйи бўйича якка чигитнинг ҳаракат схемаси

Пахтани тозалаш жараёнидаги ифлосликларнинг ажралиши бўйича бўлакчанинг бикрлик коэффициенти аниқланди. Маълум бир (m) массадаги бўлакча тўрли юза бўйлаб икки қозикча орасида ҳаракат қилади (3-расм). Бир хил оғирликдаши уч дона чигитга эга бўлган пахта бўлакчаси $t=0$ вақт оралиғида тозалаш зонасида икки қозикча орасида бўлсин. Шунда OB_0 барабани радиусидаги биринчи қозикча бўлсин. Бўлакча чигити бикрлик коэффициенти c_0 билан ҳаракатда бўлсин. Ёй узунлиги билан биргаликда тўрли юза

орасидаги чигитнинг ҳолатини қуйидагича аниқлаймиз $s_1 = s_0 + MM_1$, $s_2 = s_0 + MM_1 + M_1M_2$, $s_3 = s_0 + MM_1 + M_1M_2 + M_2M_3$ M_1 , M_2 ва M_3 нуқталардаги чигитнинг тўрли юза билан боғланиш жойи топилади. Боғланиш кучи P_1 билан биргаликда бўлакча ва эластик кучлар P_2 қозикчалар орасидаги эгри чизиқли ўзгаришлар орқали қозикчалар орасидаги бикрлик кучи топилади (4-расм).

$$c_o = 611 \text{ N/м}$$




4-расм. Бикрлик коэффицентининг $c_{12} (N/m)$ икки кўрсаткичи асосида вақт ўзгариши бўйича $t(\text{sec})$ биринчи $u_1 (m)$ ва иккинчи $u_2 (m)$ якка чигитларнинг ҳаракатланиш кўрсаткичлари графиги

Чигитли пахтанинг тўрли юза бўйлаб ҳаракатида ифлосликларни чиқиб кетиши натижасида тозалагич билан боғланиш кучи ҳосил бўлади, ҳамда тўрли юза тешиклари орқали ажралаётган ифлосликлар ташқарига чиқиб кетади. Чигитли пахтадаги ифлосликларнинг миқдори камайиши тўрли юза бўйлаб чигитли пахтанинг ҳаракатига боғлиқ.

Бўлакча ҳаракати $t=0$ моментда O нуқтадан ҳисобланадиган $s = s_0$ ёйдан бошлансин. Бу фаразларга кўра $s = R\varphi$ ёй бўйлаб бўлакчанинг икки қозикча орасидаги айланма ҳаракати қуйидаги тенглама билан ифодаланади.

$$mR\ddot{\varphi} = mg[\sin(\varphi + \varphi_0) - f \cos(\varphi + \varphi_0)] - 2Rk(\varphi - \omega_0 t) - 2\eta R(\dot{\varphi} - \omega_0) - fmR\dot{\varphi}^2 \quad (6)$$



5-расм. Таклиф этилаётган (вертикал) чигитли пахтадан майда ифлосликларни тозалаш технологиясида якка чигитли пахтани ҳаракатланиш схемаси

Бу ерда t - вақт, m – пахта бўлакчаси массаси, R - қозикчалар узунлиги, ω_0 - қозикчаларнинг айланиш тезлиги, f - тўрли юза билан пахта бўлакчаси орасидаги ишқаланиш коэффиценти, k ва η Винклер-Фойгт моделига асосан бирлик ва қозикча билан пахта бўлакчаси орасидаги боғланиш (ёпишқоқлик) кучидир.

Пахта бўлакчасининг ҳаракат қонуни аниқлангандан сўнг келтирилган модел асосида ундан ажралаётган ифлосликларни ажралиш самарадорлигини ҳисоблаш мумкин бўлади (5-расм). Пахта бўлакчаси массасининг камайиш қонунияти моделга кўра:

$$\frac{dm}{m} = -\lambda R \dot{\varphi} dt \quad (7)$$

Бу ерда λ тажриба асосида аниқланадиган коэффицент. Юқорида келтирилган ҳисоб ишлари асосида чигитли пахтадан ажралиб чиқадиган ифлосликлар миқдорини аниқлашимиз мумкин. Биринчи зонада тажриба

асосида λ_1 топамиз. (6-расм)

$$\lambda_1 = \frac{1}{4\alpha} \ln \frac{1}{(1 - 0.01\beta)} \quad (8)$$

Назарий изланишлар натижасида пахтани майда ифлосликлардан максимал тозалаш самарадорлигига эга бўлган вертикал пахта тозалаш агрегати модели ишлаб чиқилди.

Пахтадан майда ифлосликларни тозаловчи кетма-кет ҳаракатланувчи қозикчали-парракли барабанлар вертикал ва параллел жойлашган ускунада пахта ҳаракати бир қозикчали-планкали барабандан кейингисига ўтиши натижасида майда ифлосликлардан тозалаш жараёни амалга оширилади.

Тўрли юза 2100 градус бурчак остида қозикчали барабан юзасини эгаллаши кўзда тутилган ҳолда яратилган, чунки ушбу ҳолатда тозалаш жараёнида иштирок этувчи қозикчалар миқдори ва тўрли юза билан чигитли пахтанинг ишқаланиш жараёни кўп бўлади ва бу ҳолат тозалагични самарали ишлашини ташкил қилиб беради. Ҳозир кунда ишлатилаётган тозалагичлар тўрли юзани қамраб олиш бурчаги 1000 градусни ташкил этади. (7-расм).

Чигитли пахтадаги ифлосликларнинг бошланғич массасига (фоизда) нисбатан мавжуд (горизонтал) ва таклиф этилаётган (вертикал) пахтани тозалаш технологияларида ифлосликларни ажралиш миқдорининг назарий кўрсаткичлари

Бикрлик коэффи- циенти k, N/м	Секциялар								Жами	
	M11		M21		M31		M41			
	Гориз.3 секция	Верт.5 секция	Гориз.3 секция	Верт.5 секция	Гориз.3 секция	Верт.5 секция	Гориз.3 секция	Верт.5 секция	Гориз.3 секция	Верт.5 секция
2	10,41	10,41	10,14	10,41	10,14	9,88	9,88	9,88	40,58	40,59
5	9,74	9,74	9,51	9,74	9,28	9,51	9,05	9,51	37,58	38,50
10	9,40	9,40	9,12	9,40	8,95	9,17	8,74	9,17	36,21	37,14
15	9,16	9,16	8,94	9,16	8,70	8,94	8,51	8,94	35,30	36,18
20	9,02	9,02	8,80	9,02	8,59	8,80	8,38	8,80	34,79	35,66
40	8,93	8,93	8,70	8,93	8,48	8,70	8,16	8,58	34,27	35,14
60	8,84	8,84	8,63	8,84	8,41	8,63	8,21	8,63	34,09	34,94
80	8,78	8,78	8,57	8,78	8,36	8,57	8,16	8,57	33,87	34,70
100	8,76	8,76	8,55	8,76	8,33	8,55	8,13	8,55	33,77	34,61
100 дан ортик	8,71	8,71	8,50	8,71	8,29	8,50	8,08	8,50	33,58	34,42

Амалий дастурлар ёрдамида горизонтал (ҳозирги) ва вертикал (таклиф этилаётган) тозалагичларнинг чигитли пахта билан ишқаланиш коэффициенти ва бу тозалагичнинг ишлаш самарадорлигини берувчи тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида қуйидаги тенгликлар олинди:

$$y_i = \exp[-k_1(\alpha - \alpha_{i-1})] \{v_k^2 + k_2[F(\alpha) - F(\alpha_{i-1})]\} \quad (9)$$


$$\alpha_{i-1} < \alpha < \alpha_i$$

Бу ерда n- қозикчалар миқдори.


$$F(\alpha) = \frac{g \operatorname{Re}^{k_1 \alpha}}{1 + k_1^2} [(k_1 f - 1) \cos \alpha + (k_1 + f) \sin \alpha] \quad (10)$$

Чигитли пахтанинг тезлиги $9 M = v_0 / c_0$ га боғлиқ бўлади. Аэродинамикада бу сон *Мах* сони деб қабул қилинган.

Ҳаво муҳитида ҳаракатланаётган жисмларнинг аэродинамик сифат кўрсаткичи *Мах* сонига боғлиқ бўлиб, уларга таъсир этадиган ҳаво қаршилиқ ва аэродинамик кўтарувчи кучларнинг ҳосил бўлишида *Мах* сонининг аҳамияти катта. Пахта оқими ҳаракатида бундай соннинг келиб чиқиши унинг стационар ҳаракати ва зичлик билан босим орасидаги чизиқли боғланишнинг мавжудлиги натижасида бўлади. $M < 1$ ва $M > 1$



6-расм. Чигитли пахтани тозалаш зонасига келаётган ифлосликлар β (%) миқдорининг $\lambda\alpha$ экспериментал кўрсаткичга




а) б)


7-расм. Пахтадан майда ифлосликларни тозалаш машинанинг асосий ишчи органлари: а) мавжуд, б) таклиф этилаётган

шартларида оқим тезлигининг характери ҳар хил бўлади. $M < 1$ бўлса одатда муҳитининг ҳаракатида тезланиши рўй беради, шунинг учун тезлик ошиб, формулага кўра зичлик камаяди, яъни муҳит кўшимча титилади. 8-расм ва 9-расмларда чигитли пахтани тезлик (8-расм) ва зичликнинг (9-расм) ҳар хил қийматлардаги $n = S_1 / S_0$ и $M = v_9 / c_0$ сони учун келтирилган. Ҳисобларда $f_0 = 0.3$, $\alpha_i = 30i$ ($i = (1...6)$), $R = 0.2\text{м}$, $v_0 = 9\text{м/с}$, $\rho_0 = 40\text{кг/м}^3$ қабул қилинган.

$n = 0.2$ $n = 0.5$



8-расм. Фойдали майдоннинг $n = S_1 / S_0$ икки қиймати бўйича тозалагичнинг биринчи тозалаш секцияси йойи бўйича ҳар хил нисбатда $M = v_0 / c_0$: 1 – $M = 0.1$, 2 – $M = 0.2$, 3 – $M = 0.3$, 4 – $M = 0.4$, 5 – $M = 0.5$, 6 – $M = 0.6$, оқим тезлигини тақсимоти



9-расм. Фойдали майдоннинг $n = S_1 / S_0$ икки қиймати бўйича тозалагичнинг биринчи тозалаш секцияси йойи бўйича ҳар хил нисбатда $M = v_0 / c_0$: 1 – $M = 0.1$, 2 – $M = 0.2$, 3 – $M = 0.3$, 4 – $M = 0.4$, 5 – $M = 0.5$, 6 – $M = 0.6$, оқим зислиги тақсимоти

Пахта хом ашёсини туташ муҳит деб қабул қиламиз ва унинг оқимини стационар ҳолатда биринчи секцияда ҳар олтига қозикча орасидаги хом ашёда ажраладиган ифлосликлар миқдорини аниқлаймиз. А.Г.Севостьянов моделига кўра олтига қозикчалар сонига эга бўлган иккинчи, учинчи ва тўртинчи секциялардаги ифлосликлар ажрალიши натижасида ундаги массанинг камайиши аниқланади. Чигитли пахтанинг зичлигини мос ҳолда $\rho_2(x)$, $\rho_3(x)$ ва $\rho_4(x)$ ёзилади.

$$\Delta m_{j1} / m_0 = \frac{m_{j-1,5}}{m_0} \varepsilon_{j1}$$

$$\Delta m_{j2} / m_0 = (m_{j=1,5} - \Delta m_{j1}) \varepsilon_{j2} m_0 = [1 - \varepsilon_{21}] \varepsilon_{j2} \quad (11)$$

$$\Delta m_{j3} / m_0 = [1 - \varepsilon_{j1}] [1 - \varepsilon_{j2}] \varepsilon_{j3}$$

$$\begin{aligned} \Delta m_{j4} / m_0 &= [1 - \varepsilon_{j1}][1 - \varepsilon_{j2}][(1 - \varepsilon_{j3})\varepsilon_{j4}] \\ \Delta m_{j5} / m_0 &= [1 - \varepsilon_{j1}][1 - \varepsilon_{j2}][(1 - \varepsilon_{j3})(1 - \varepsilon_{j4})\varepsilon_{j5}] \end{aligned} \quad (12)$$

Бу ерда $\varepsilon_j = [\rho_j(\alpha) / \rho_{j-1}]^{\lambda_0}$, $\varepsilon_{ji} = \varepsilon_j(\alpha_i)$, $j = 2, 3, 4$

Ажралаётган ифлосликларнинг умумий йиғиндиси қуйидагича ёзилади:

$$N = \sum_{i=1}^5 \sum_{j=1}^4 \Delta m_{ji}.$$

Ажралаётган ифлосликларнинг йиғиндиси N (m_0 массага боғлиқ ҳолда) тажриба коэффициенти λ_0 ва тажрибалар сони $M = v_0 / c_0$ билан боғлиқ ҳолда 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

λ_0 тажрибавий параметр ва $M = v_0 / c_0$ сонини вертикал ва горизонтал жойлашган тозалаш секциялардан ажралган ифлосликлар миқдори N (m_0 га нисбатан) турли қийматлари

M	λ_0 / тип	0.03	0.06	0.09	0.12	0.15	0.2	0.25	0.3
0.2	Вертикал усул	1.182	2.346	3.494	4.626	5.742	7.567	9.350	11.08
	Горизонтал усул	0.945	1.878	2.800	3.710	4.605	6.073	7.510	8.913
0.4	Вертикал усул	2.058	4.065	6.023	7.932	9.794	12.79	15.67	18.44
	Горизонтал усул	1.648	3.258	4.840	6.367	7.868	10.29	12.63	14.87
0.6	Вертикал усул	3.449	6.755	9.924	12.96	15.87	20.47	24.76	28.77
	Горизонтал усул	2.763	5.417	7.670	10.42	12.78	16.51	20.00	23.29
0.8	Вертикал усул	10.47	19.60	27.57	34.54	40.65	49.19	56.04	61.54
	Горизонтал усул	8.416	15.82	22.34	28.10	33.20	40.41	51.11	51.11


Жадвалдан кўриниб турибдики, вертикал тозалаш усулида ажралган ва тозалагичнинг ҳар бир секциясида ҳам ифлосликларнинг ажралиш миқдори юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, назарий жиҳатдан бошланғич p_0 босим тозалаш зонасида камаяди ва $P = P_k$ критик нуқтада бу зона эса йўқолади.

Тозалаш жараёнида биринчи ва учинчи қозикчалар орасида тозалаш эффекти максимал даражага етади ва бу ҳолат кейинги секцияларда камайишини кузатиш мумкин. M сонининг ўсиши тозалаш зонасидаги биринчи ва иккинчи қозикчалар орасидаги тозалаш эффекти 20-25%га ўсиши кузатилди.

Диссертациянинг «**Такомиллаштирилган пахта тозалаш агрегатини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида чигитли пахтани майда ифлосликлардан тозалаш агрегатининг такомиллаштирилган бирикмаси ишлаб чиқилди (10-расм). Тозалаш секцияси ўз таркибига қозикчали барабан 1, тўрли юза 2 ва поғонали кўринишдаги йўналтирувчи юзани олади. Иш жараёнида чигитли пахтадан майда ифлосликлар қозикчали барабан 1 ва тўрли юза 2 ёрдамида тозаланади. Поғонали кўринишдаги йўналтирувчи юза 3 қозикчали барабандан чиққан чигитли пахта бўлакчаларини тартибли йўналтириб, уни қайта юқоридаги қозикчали барабанга қайтарилишини бартараф этади.

Ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотларга биноан яқка чигитли пахта бўлакчалари каттиқ юзага урилгандан сўнг, ўз тезлигини йуқотиб иккинчи қозикчали барабанга ўз оғирлиги билан тушади. Илмий изланишлар натижасида




10-расм. Чигитли пахтадан майда ифлосликларни тозалаш машинаси тозалаш секциясининг кўндаланг кесими

чигитли пахтани учиш траекториялари аниқланган ва кейинги барабанга тушиш бурчаклари топилган. Чигитли пахта оқими ҳаракатга тушганда оқим таркибидаги яқка чигитли пахта бўлакчаларнинг ҳолати ўзгаради, чунки биринчи қозикчали барабандан иккинчисига ўтиш жараёнида оқимнинг тозалаш томонлари қарама-қаршисига ўзгаради.

Ўтказилган амалий тадқиқотлар натижасида тўртта барабандан иборат ҳамда айланиш частоталари юқоридан пастга биринчи барабанда 390 1/мин ва тўртинчи барабанда 420 1/мин гача ошиб боровчи такомиллаштирилган чигитли пахтадан майда ифлосликларни тозалаш вертикал тозалагичи яратилди. (11-расм). Вертикал тозалагич

таъминлаш валиклари 1, қозикчали барабанлар 2,4,5,6, тўрли юза 7, поғонали кўринишдаги йўналтирувчи юза 3, ифлослик шнеклари 7 ва шахта 8 лардан таркиб топган. Горизонтал усулда ишловчи чигитли пахтадан майда ифлосликларни тозаловчи машиналарда қозикчали барабанларни тўрли юза билан қоплаш бурчаги $\alpha_g = 100^\circ$ дан ошмайди, бу кўрсаткич такомиллаштирилган вертикал усулда ишловчи тозалагичда $\alpha_g = 210^\circ$ гача, яъни, шу сабабли 1ХК машинасида тозалаш самарадорлиги 10% фоизгача юқори кўрсаткични ташкил этди.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили асосида таснифлаш схемаси ишлаб чиқилди ва унинг асосида чигитли пахтани майда ифлосликлардан тозалашнинг вертикал технологиясида “жонли кесим”нинг самарадорлик коэффиценти горизонтал технологияга нисбатан икки баробар юқорилиги ҳамда қиймати $\eta = 0,58 \div 0,60$ га тенглиги аниқланди (12-расм).



1. Таъминлаш валиклари; 2. Биринчи қозикчали барабан; 3. Тўрли юза; 4. Иккинчи қозикчали барабан; 5. Учинчи қозикчали барабан; 6. Тўртинчи қозикчали барабан;

11-расм Тўрт барабанли вертикал пахтани майда ифлосликлардан тозалаш машинасининг схемаси



а) горизонтал схема б) вертикал схема

12-расм Тозалагичларнинг лаборатория ускуналари

4 ва 5-жадвалларда горизонтал ва вертикал усулда ишловчи чигитли пахтадан майда ифлосликларни тозаловчи лаборатория ускуналарида олинган таққослама таҳлил кўрсатилган. Ушбу жадваллардаги маълумотларга кўра вертикал усулда бошланғич ифлослиги 16,71% ли чигитли пахта тозаланганда тозалаш самарадорлиги 49,67% ташкил этди, горизонтал усулдаги тозалаш самарадорлигига нисбатан ушбу кўрсаткич 5,44% юқорилиги аниқланди.

Бошланғич ифлослиги 5,48% ли чигитли пахта тозаланганда

тозалаш самарадорлиги 45,62% ташкил этди, горизонтал усулдаги тозалаш самарадорлигига нисбатан ушбу кўрсаткич 5,61% юқорилиги аниқланди

4-жавдал

“Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” кафедрасининг илмий лабораториясида горизонтал усулда ишловчи тозалагичнинг синов кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	%	Тозалаш самарадорлиги, %
Пахтанининг бошланғич 8,52% намлигининг ифлосликнинг турли кўрсаткичлари таъсири			
1	Юқори ифлослик	16,71	
2	Тозалангандан сўнгги ифлослик	9,32	44,23
3	Ўртача ифлослик	5,48	
4	Тозалангандан сўнгги ифлослик	3,29	40,01
Пахтанининг бошланғич 8,52% намлигининг иш унумдорлигига таъсири			
1	Бошланғич намлик миқдори	5,48	
2	Юқори иш унумдорликда, 7 т/соат	3,56	35,08
3	Ўртача иш унумдорликда, 5 т/соат	3,42	37,55
4	Паст иш унумдорликда, 3 т/соат	3,31	39,67
Пахтанинг намлиги таъсири			
1	Максимал намлик	16,42	
	Ўртача ифлослик миқдори	5,48	
	Тозалангандан сўнгги ифлослик	3,83	30,15
2	Ўртача намлик	10,14	
	Ўртача ифлослик миқдори	5,48	
	Тозалангандан сўнгги ифлослик	3,68	32,78
3	Минимал намлик	8,52	
	Ўртача ифлослик миқдори	5,48	
	Тозалангандан сўнгги ифлослик	3,43	37,49

Барча натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, вертикал усулда ишловчи чигитли пахтадан майда ифлосликларни тозаловчи ускунанинг тозалаш самарадорлиги мавжуд машиналарникига нисбатан анча юқори.

Вертикал усулда ишловчи пахта тозалаш агрегатининг тозалаш самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида тўрли юзанинг ишчи бурчаги, қозикчали барабанлар орасидаги масофа ва тозалагичнинг иш унумдорлиги кўрсаткичларни кириш ва чиқиш параметрлари қуйидагича қабул қилинди.

x1 - тўрли юзанинг ишчи бурчаги, α , градус. Ушбу кўрсаткичнинг максимал қиймати - 210° ва минимал қиймати 180° қабул қилинди.

x2 – иккита қозикчали барабанлар орасида ўқлараро масофа, L, мм максимал қиймати 360 мм, ва минимал қиймати 340 мм деб қабул қилинган.

x3- иш унумдорлиги, П, т/соат, ускунанинг максимал иш унумдорлиги 7 т/соат ва минимал иш унумдорлиги 3 т/соат деб қабул қилинган.

Тадқиқотлар ўтказилиш жараёнида 2^3 тўлиқ факторли эксперимент танланган. Асосий факторларни танлаш ва уларнинг даражалар вариациясини танлагандан сўнг, қайси чиқиш факторлари бўйича лаборатория ускунасининг ишини баҳолаш бўйича хулосалар қилиниши ҳамда тозалагичнинг технологик ва конструктив параметраларини оптималлаштириш, тўрли юзанинг ишчи бурчагинининг қийматини таъсири аниқланди. Олинган кўрсаткичлар асосида режалаштириш матрицаси тузилди. Тажрибалар ўтказилиш жараёнида чиқиш фактори (y) сифатида ускунасининг тозалаш самарадорлиги қабул қилинди.

5-жавдал

«Paxtasanoat ilmiy markazi» АЖнинг илмий лабораториясида вертикал усулда ишловчи тозалагичнинг синов кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	%	Тозалаш самарадорлиги, %
Пахтанининг бошланғич 8,52% намлигининг ифлосликнинг турли кўрсаткичлари таъсири			
1	Юқори ифлослик	16,71	
2	Тозалангандан сўнгги ифлослик	9,32	49,67
3	Ўртача ифлослик	5,48	
4	Тозалангандан сўнгги ифлослик	3,29	45,62
Пахтанининг бошланғич 8,52% намлигининг иш унумдорлигига таъсири			
1	Бошланғич намлик миқдори	5,48	
2	Юқори иш унумдорликда, 7 т/соат	3,56	40,1
3	Ўртача иш унумдорликда, 5 т/соат	3,42	41,4
4	Паст иш унумдорликда, 3 т/соат	3,31	43,2
Пахтанинг намлиги таъсири			
1	Максимал намлик	16,42	
	Ўртача ифлослик миқдори	5,48	
	Тозалангандан сўнгги ифлослик	3,83	35,76
2	Ўртача намлик	10,14	
	Ўртача ифлослик миқдори	5,48	
	Тозалангандан сўнгги ифлослик	3,68	38,32
3	Минимал намлик	8,52	
	Ўртача ифлослик миқдори	5,48	
	Тозалангандан сўнгги ифлослик	3,43	42,70

Натижада қуйидаги модел олинди:

$$Y_R = 53,2271 + 2,2063x_1 - 2,1854x_2 - 2,3813x_3 + 0,5188x_1x_2 + 0,7104x_1x_2x_3 \quad (13)$$

Моделнинг адекватлигини текшириш учун Фишер критериясидан фойдаланимиз. Хисоб китоблар натижасида

$$S^2(\bar{y}) = 0,3684$$

қийматдан юқори кўрсаткичли критерий аниқланди:

$$F_R = \frac{S_{над}^2}{S_y^2} = 5,3845$$


Фишер коэффициентининг жадвал қийматини аниқлаймиз:

$$F_T [P_D = 0,95; f(S_y^2) = 16, f(S_{над}^2) = 4] = 5,85. \quad (14)$$

$F_R < F_T$ шarti бажарилганлиги сабабли модел адекват хисобланади.


Олинган натижалар асосида қуйидаги графиклар олинган (14,15-расм). Вертикал тозалагичнинг лаборатория синовлари яқунлари бўйича, математик режалаштириш натижалари ва тозалаш самарадорлигига таъсир этувчи ва чиқувчи факторлар таҳлили усқунанинг юқори тозалаш самарадорлиги 68-70% фоизга етиши учун қозикчали барабанлар орасида масофа - 350 мм ни ва

тозалагичнинг иш унумдорлиги 5 т/соатни ташкил этиши керак. Барабанлар ўртасидаги қарама-қарши тўқнашув зоналар сони камайиши натижасида электродвигателларга юкламалар камайган ва шу сабабли машинанинг умумий истеъмол қуввати $W=6 \text{ kWt}$ ти ташкил этди.




1-вариант – горизонтал тозалагич
2-вариант – вертикал тозалагич

13-расм Чигитли пахтанинг ифлослиги 16,71% ва 5,48% ҳамда намлиги 8,52% микдордаги кўрсаткичларида лаборатория усқуналарнинг солиштирма тозалаш самарадорлиги кўрсаткичлари



1 – тозалаш самарадорлиги - 52%;
2- тозалаш самарадорлиги - 56%;
3- тозалаш самарадорлиги - 60%.

14-расм Лаборатория усқунасининг иш унумдорлиги 3 т/соат бўлганда тўрли юзанинг ишча зонаси қамров бурчаклари ва иккита қозикчали барабанлар орасида ўқлараро масофасини тозалаш самарадорлигига таъсири.



1 – тозалаш самарадорлиги - 48%;
2- тозалаш самарадорлиги - 52%;
3- тозалаш самарадорлиги - 56%.

15-расм Лаборатория усқунасининг иш унумдорлиги 5 т/соат бўлганда тўрли юзанинг ишча зонаси қамров бурчаклари ва иккита қозикчали барабанлар орасида ўқлараро масофасини тозалаш самарадорлигига таъсири.

Бу кўрсаткич мавжуд тозалагичларга (12 kWt) нисбатан 50% тежамкорликни кўрсатди. Янги чигитли пахтадан майда ифлосликларни тозалаш машинасининг вазни 2480 кг ни ташкил этди ва 1ХК русумли мавжуд тозалагичга нисбатан металл сарфи 20% камайган.


Диссертациянинг «Оқим компоновкасида жойлаштирилган тозалаш секциялари вертикал усулда ўрнатилган пахта тозалагичнинг технологик параметрлари тадқиқоти» деб номланган тўртинчи бобида пахтани майда ифлосликлардан вертикал тозалагич ишлаб чиқилган. 1ХК русумли тозалагич ва вертикал жойлашган тозалаш секцияли тозалагичнинг таққослаш техник кўрсаткичлари (6-жадвал) ўтказилди ва қуйидагилар аниқланди; машинанинг тозалаш самарадорлиги 10% га ошди, энергия сарфи 28,1 % га камайди. Такомиллаштирилган пахтадан майда ифлосликларни тозалайдиган машинада металл сарфи 1ХК тозалагичга нисбатан 9,7% камайди, қозикчали барабанларнинг тўрли юза билан қоплаш ёйи 210° гача ошди, бу эса ўз навбатида, машинанинг тозалаш самарадорлигини оширишга имкон яратди ҳамда чигитли пахтанинг сифат кўрсаткичларини яхшилади.

6-жадвал

1ХК русумли тозалагич ва вертикал жойлашган тозалаш секцияли тозалагичнинг таққослаш техник кўрсаткичлари


№	Технологик кўрсаткичлар	1ХК	ВТА
1	Бошланғич намлик $8 \div 9\%$ ва ифлослик миқдори 9% гача бўлган кўрсаткичлардаги тозалаш самарадорлиги	45 ÷ 50	50 ÷ 55
2	Иш унумдорлиги, кг/соат, : 1-чи ва и 2-чи навларда 3-чи ва и 5-чи навларда	7000 5000	7000 5000
3	Ўрнатилган қувват, kWt: қозикчали барабанларнинг узатмаларида таъминлагичнинг узатмасида	12 0,25	8 0,25
4	Бўш ҳолатдаги сарфланаётган қувват миқдори, kWt дан ошмайди	1,12	1,12
5	Юкланган ҳолатдаги сарфланаётган қувват миқдори, kWt дан ошмайди	6,4	4,6
6	Аспирация ва ифлосликларни узатиш учун сарфланаётган ҳаво миқдори, m^3 / s	0,6	0,6
7	Аспирация қувуридаги ҳаво тезлиги, м/с,	18	18
8	Айланиш частотаси, 1/мин: қозикчали барабанларники таъминлаш валикларники	420 0 ÷ 12	390 ÷ 420 0 ÷ 12
9	Қозикчали барабан ва тўрли юза орасидаги тирқишлар, мм	14 ÷ 20	14 ÷ 20
10	Оғирлиги, kg	3100	2800
11	Тўрли юзанинг ишчи зонасидаги ёй бўйича қопланиши, мм	2744	5832

Амалий тадқиқоқтлар натижасида УХК.01 агрегатининг такомиллаштирилган бошланғич секцияси (16,17-расмлар) ишлаб чиқилди. Шу билан бир қаторда, УХК.03 (18-расм) агрегатининг охирги секцияси ҳам такомиллаштирилди (19-расм).




1 – таъминлаш валиклари; 2 – қозикчали барабанлар; 3 – тўрли юза; 4 – чўткали барабан; 5 – илаштирувчи чўтка; 6 – аррачали барабан; 7 – колосникли қовурға; 8 – ифлослик шнеги; 9 – ифлослик бункери.

16-рasm. Мавжуд УХК.01- рақамли бошланғич тозалаш секцияси




1 - қозикчали барабан; 2 - чўткали барабан 3 – аррачали барабан; 4 – ифлослик шнеги; 5 – колосникли панжара; 6 – илаштирувчи чўтка; 7 тўрли юза; 8 – тозаланган пахта учун узатгич.

18-рasm. Мавжуд УХК.03- рақамли охириги тозалаш секцияси



1 - таъминлаш валиклари; 2 – майда ифлосликлардан тозаловчи секция; 3 – қозикчали барабанлар; 4 – тўрли юза; 5 – ифлослик шнеги; 6 - чўткали барабан 7 – йўналтиргич; 8 – илаштирувчи чўтка; 9 - аррачали барабан; 10 – колосникли панжара.

17-рasm. Такомиллаштирилган УХК.01 – рақамли бошланғич тозалаш секцияси



1 - горизонтал қозикчали барабанлар 2 - чўткали барабан; 3 – илаштирувчи чўтка ; 4 – аррачали барабан; 5 – колосникли панжара; 6 - ифлослик шнеги; 7 – қозикчали барабанлар; 8 – тўрли юза; 9 - йўналтиргич

19-рasm. Такомиллаштирилган УХК.03 – рақамли охириги тозалаш секцияси

Агрегат габаритлари қисқаргани эвазига (40%га) цех майдони 57% гача қисқарди, бу эса ўз навбатида чигитли пахтани тозалаш жараёнидаги ишлаб-чиқариш харажатларини камайтирди. Шу билан бир қаторда, агрегат нархи 17,5%га камайди. Вертикал пахта тозалаш агрегатининг ишлаб чиқариш синовлари “Каттақўрғон пахта тозалаш” АЖ корхонасида ўтди.

Ишлаб-чиқариш синовларида машинанинг техник кўрсаткичларининг таққослаш маълумотлари ва тозаланаётган чигитли пахтанинг сифат кўрсаткичлари аниқланган (7-жадвал). Олинган таққослама кўрсаткичлар бўйича

